

“ҲАЖ – 2023” МАВСУМИ УЧУН
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ
ЎРГАНИЛДИ

Бугун, 6 феврал куни Хоразм вилояти Урганч шаҳрида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда БМТ УНИСЕФ жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар бўлиб ўтмоқда.

Мазкур семинарда Хоразм вилояти вакиллиги имом-хатиблари ва отинойилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қозиёти мутахассислари иштирок этмоқда.

Таъкидлаш керакки, УНИСЕФ Ўзбекистонда 1994-йилдан буён самарали фаолият юритиб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қўмаклашиш ва салоҳиятларини ҳар томонлама ривожлантириш масалалари УНИСЕФга тақдим этилган.

Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва БМТ УНИСЕФ жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида, айнан, ушбу йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Англашув Меморандуми имзоланган эди.

Бугунги семинар ҳам мазкур Меморандумда белгиланган ҳамкорлик доирасида ташкил этилмоқда.

Дин ишлари бўйича қўмита Ахборот хизмати

